2012 йил 17 август, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 163 (12.224)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Н.Ш.ЖАББОРОВНИ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлат идораларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходими Нурулла Шукурович Жабборов (марҳум) «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 16 август*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний қадриятларимизни сақлаш ва улуғлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ҳайъати 2012 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 19 август якшанба кунига тўғри келиши ҳақида қарор қабул қилганини инобатга олиб, Ҳайит айёмини кенг нишонлаш мақсадида 2012 йил 20 август куни дам олиш куни сифатида белгилансин ва 19 август байрам кунига қўшилсин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли, юқори даражада ҳамда халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши бўйича тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2012 йил 16 август*

## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ЯНГИ УФҚЛАРГА ИНТИЛМОҚДА

***Энг улуғ, энг азиз байрам – истиқлолимизнинг 21 йиллиги ва авиация ходимларининг 19 август куни нишонланадиган касб байрами арафасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қувончли хушхабар келди: мамлакатимиз авиакомпанияси «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун» номинациясида «Парвозлар хавфсизлиги» нотижорат шериклик ташкилотининг мукофотига ҳамда «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун» фахрий мукофотини авиакомпаниямизга тақдим этган Халқаро парвозлар хавфсизлиги жамғармасининг (Flight Safety Foundation) дипломига сазовор бўлди.***

Бундан ташқари, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» IOSA аудитидан муваффақиятли ўтди ва бу ҳам соҳа учун муҳим воқеага айланди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян компания эришган ютуқлар ва тўпланган тажриба, миллий авиакомпания инфратузилмасини модернизация қилиш босқичлари, соҳада жорий этилган техник ҳамда технологик янгиликлар ҳақида сўзлаб берди. У ўтган вақт мобайнида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилганини, бугун Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган сиёсати юксак самаралар бераётганини ҳамда мамлакатимизда ягона фуқаро авиацияси тизими шаклланганини таъкидлади.

Президентимизнинг фуқаро авиацияси соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши самарасида ҳозир барча тузилмаларда белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берадиган аниқ мақсадли ва серқирра ишлар амалга оширилаётир. Ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлар ўсмоқда, йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифати ошмоқда, технологик база мунтазам янгиланмоқда, аэропортлар ва бошқа объектларни техник жиҳозлаш такомиллашмоқда.

2012 йилнинг олти ойида бажарилган ишлар якунлари бўйича «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётлари 12339 авиақатновни амалга оширди ва бу 2011 йилнинг олти ойига нисбатан 419 тага кўпдир. Шунингдек, 1 миллион 244 минг нафар йўловчи авиакомпания хизматларидан фойдаланди ва бу ҳам ўтган йилнинг шу даврига қараганда 17,1 фоиз кўп. Жами 20 минг тонна юк ташилди. 755 тонна почта жўнатилди, ўсиш 20,5 фоизни ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда)

## КУЛБХУШАН ВАРИКУ: «ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ЮКСАК БАҲОГА ЛОЙИҚ»

***Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида дунёнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, ишбилармон ва академик доиралари вакиллари Ўзбекистонда истиқлол йиллари мобайнида қўлга киритган муваффақиятлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарига маълум қилмоқдалар.***

Хусусан, **Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар марказининг Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш дастури раҳбари Кулбхушан Варику** «Жаҳон» ахборот агентлигининг мухбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида юртимизда мустақиллик йиллари давомида тараққиётнинг «ўзбек модели» асосида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юксак баҳолади.

Ҳиндистонлик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон ҳукумати жаҳон бозорига юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни етказиб бериш мақсадида маҳаллий хом ашёнинг юртимиз корхоналари томонидан қайта ишланишига имкон берадиган саноат қувватларини бунёд этишга устувор аҳамият бераётир.

Енгил саноат, сайёҳлик, автомобилсозлик, транспорт коммуникацияси, дори-дармон саноати ва юқори салоҳиятга эга бўлган бошқа қатор соҳалар Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олингани ҳам ҳинд мутахассиси томонидан алоҳида эътироф этилди.

— Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон денгизга бевосита чиқиш йўлига эга бўлмаганига қарамай, ўзининг қулай жуғрофий жойлашувидан самарали фойдаланмоқда, замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва келажакда мамлакатингизнинг жадал иқтисодий тараққиёти асосига айланадиган эркин иқтисодий ҳудудларни бунёд этиш орқали транспорт-коммуникация инфратузилмасини жадал суратларда ривожлантирмоқда, — деди у.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиш масалаларига тўхталар экан, К.Варику юртимиз мустақиллигининг 21 йиллик байрамини ҳар икки мамлакат, Ўзбекистон Президентининг 2011 йил май ойида Ҳиндистонга буюрган ташрифи чоғида эълон қилинганидек, стратегик шериклар сифатида қарши олаётганликларини таъкидлади.

Унинг сўзларига қараганда, стратегик шериклик икки томонлама муносабатлар тараққиётининг чўққиси ва давлатларимиз ўртасида мавжуд бўлган ўзаро мустаҳкам ишончнинг тасдиғидир.

Юртимиз мустақиллигининг 21 йиллиги байрами арафасида Кулбхушан Варику дўст Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик, тараққиёт ва фаровонлик тилади.

**«Жаҳон» АА**
**Деҳли**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **КЕЧА** Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида «Мафтункор ранглар олами» иқтидорли болалар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида ўтказиладиган давра суҳбати «Оила мустаҳкамлиги, тинчлиги ва саломатлиги йўлида» мавзусига бағишланади.

✓ **БУГУН** Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежида янги ўқув йили олдидан «Обод ва ораста масканим» шиори остида ҳашар уюштирилди.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Нодирабегим» маҳалласида ўтказилган «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» деб номланган маънавий-маърифий тадбир Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишланди.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғона шаҳрида «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур танловда юз нафардан зиёд ижодкор ўз асарлари билан иштирок этди.**

**● Самарқанд вилоятидаги бир қатор умумтаълим мактаблари ва ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, бозорлар ва йирик савдо мажмуаларида анъанавий «Мактаб бозорлари ва ярмаркалари» иш бошлади. Ҳар ўқув йили олдидан ташкил этилаётган мактаб ярмаркалари ота-оналарга қулайлик яратиш, ўқувчиларни юқори сифатли, арзон ўқув қуроллари ҳамда кийим-бош билан таъминлашга хизмат қилмоқда.**

**● Марказий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийларга янги уйларнинг калитлари топширилди.**

**● Вобкент туманида кир ювиш кукуни ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бухоро баҳор» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси зарур хомашёлардан бири – сульфон кислотасини энди хориждан харид қилмайдиган бўлди. Бухоро вилояти Когон туманидаги Туткунда қишлоғида йилига 8 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга «Бухоро-лабса» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасининг ишга туширилиши билан шундай имконият яратилди.**

**● «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимлари ва бошқа бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида Наманган шаҳридаги Бобур маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган «Маҳалла куни» тадбирида шаҳардаги мавжуд саксон иккита маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Баланд бинолар бўйича халқаро кенгаш дунёдаги энг баланд миноралар бешталигини эълон қилди. Италиянинг Милан шаҳридаги 161 метрлик «Palazzo Lombardia», Канаданинг Миссисога шаҳридаги 179 ва 158 метрлик «Absolute Towers» миноралар мажмуаси, Сиднейдаги 135 метрлик «Bligh Street» биноси ва Қатар пойтахти Дохадаги 238 метрлик «Doha Tower» минораси осмонўпар миноралар сафининг пешқадамларига айланди.**

**● Аделаид университети олимларининг таъкидлашича, фаст-фуд маҳсулотлари болаларнинг ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Текширув натижаларига кўра, витамин ва оқсилларга бой маҳсулотларни тез-тез истеъмол қилувчи болаларнинг ақлий салоҳияти тенгқурларига нисбатан саккиз йилга илдамлаб кетар экан. Тезпишар таом саналмиш фастфудни мунтазам истеъмол қилган болаларда эса бу кўрсаткич аксинча, беш-олти йилга пасаяди.**

**● «Ўргимчак-одам» номи билан дунёга машҳур франциялик Ален Робер янги рекорд ўрнатди. Хабарларга қараганда, у Франция пойтахтининг Дефанс туманида жойлашган 231 метрли «Ферст» биносини ҳеч қандай хавфсизлик воситаларидан фойдаланмаган ҳолда забт этди. 49 ёшли спортчи бир соат ичида бино томига чиқиб олди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Ален шу пайтгача саксон бешта осмонўпар бино чўққисини забт этган.**

**● АҚШнинг «Oshkosh» автомобиль компанияси ҳайдовчисиз ҳаракатлана оладиган ҳарбий юк машиналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Компания вакилларининг сўзларига кўра, бу машиналар роботлаштирилган махсус «Terramax» технологияси билан жиҳозланган. Уларни монитор орқали назорат қилиш, зарур ҳолларда масофадан бошқариш мумкин. Маълумотларга кўра, жойстик ёрдамида бошқариладиган «Terramax»ни деярли ҳар қандай транспорт воситасига ўрнатиш мумкин.**



Асқар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

# ФАОЛ ВА ФИДОЙИ МАСЛАҲАТЧИЛАР

***Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида Ўзбек Миллий академик драма театрида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Дин ишлари бўйича қўмита, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўрик-танловнинг якуний босқичида тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов ва бошқалар миллий қадриятларимизни эъзозлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони фуқаролар йиғинларининг бу борадаги ишлари самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ жамиятда оила институтини мустаҳкамлашда, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлашда, айниқса, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маънавий-ахлоқий ишлар таъсирчанлигини оширишда маҳаллаларнинг иштироки янада кенгайди. Ушбу тизим фаоллари маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўсмир қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, болалар спортини ривожлантириш, «оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозир мамлакатимиздаги ўн мингга яқин маҳаллада 8 минг нафардан ортиқ маслаҳатчилар меҳнат қилмоқда. Хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш, оилалардаги маънавий муҳитни ўрганиш, ажримларнинг олдини олиш, удумларимизнинг аҳамиятини опа-сингилларимизга тўғри тушунтиришда, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оилавий масалаларни ўз вақтида ва оқилона ҳал этишда уларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан маҳалла маслаҳатчиларининг билими, малака ва маҳоратини ошириш, ўзаро тажриба алмашишига яқиндан кўмаклашиш мақсадида туркум лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири «Фуқаролар йиғинларининг энг намунавий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» анъанавий республика кўрик-танловидир. Мазкур кўрик-танловдан кўзланган асосий мақсад барча ҳудудлардаги маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини атрофлича ўрганиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштиришдан иборатдир.

«Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида ўтказилган бу йилги танловнинг туман, шаҳар, вилоят босқичларида 8 минг нафардан ортиқ маслаҳатчи қатнашди.

Танловнинг якуний босқичида қатнашчилар фаолиятига баҳо беришда уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятини аҳолига етказа олиши, маҳаллаларда олиб бораётган фаолиятига оид кўрсаткичлари, эришган ютуқлари, ёшлар, хотин-қизлар, ёш оилалар билан ишлаши, маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни ўз вақтида бартараф этиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, тез ва тўғри қарор қабул қилиш қобилиятига эътибор қаратилди.

Кўрик-танловда Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Холида Эргашева биринчи ўринга лойиқ топилди. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Сариосиё» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Тамара Орипова иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани «Саманбай» овул фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Замира Бердибаева учинчи ўринларни қўлга киритди. Турли номинациялар бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

– Маҳалла иши кўпчилик билан, – дейди Зарафшон шаҳридаги «Баҳор» маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Холида Эргашева. – Қарийб 4 минг 600 киши яшайдиган маҳалламизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тўй ва бошқа маросимларни ихчам, камхарж ўтказиш, «оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги механизмини кучайтириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги барча ишлар фуқаролар йиғини раиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари, маҳалламизда истиқомат қилаётган обрўли, аҳолига ўз таъсирини ўтказа оладиган йиғин аъзолари, фаол хотин-қизлар, ташаббускор ёшлар, қолаверса, барча маҳалладошларимиз билан ҳамжиҳатликда олиб борилмоқда.

Танловда ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЮКСАК МУКОФОТ САМАРАСИ

***«XX аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар» – деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов.***

Ушбу фикрлар тасдиғи сифатида 1999 йилнинг 10 июнь куни Юртбошимиз Фармони билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди. Ўтган давр мобайнида бу юксак мукофотга 182 нафар истеъдодли қизларимиз сазовор бўлишди. Улар бугун ўз танлаган йўналишлари бўйича жамиятнинг турли соҳаларида самарали фаолият юритмоқда. Улар орасидан 24 нафари фан ва 38 нафари таълим соҳасидаги ютуқлари учун бу юксак эътирофга сазовор бўлишди. Бу бевосита юртимизда бўлажак ёш олималарни рағбатлантириш, илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган эътибор намунасидир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги анжуман Мустақилликнинг 21 йиллигига бағишланди. Унда фан ва таълим йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизлар, танлов ҳайъати аъзолари, устоз-педагоглар ҳамда журналистлар иштирок этди. Илмий анжуманда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари бугуннинг долзарб мавзуларида, хусусан, Оролбўйи аҳолисининг саломатлиги, оммавий маданият таҳдиди, табиий газ ва ёқилғини тежаш масалалари, шунингдек, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, болалар спортини ривожлантириш мавзуларида маъруза қилишди.

Анжуманда таъкидланишича, ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг фаолияти ва ютуқларини кенг тарғиб этиш, уларнинг ибрат бўладиган қирраларини намойиш қилиш ва рағбатлантириш, яратилган шарт-шароитлар натижасида сафи кенгайиб бораётган ёш тадқиқотчи изланувчан қизларнинг жамият тараққиётидаги ролини ошириш, илм-фан соҳаси намояндалари билан совриндор қизларнинг учрашувини ташкил этиш, устоз-шогирд анъаналарининг бардавомлигини таъминлашдан иборат.

– Ушбу юксак мукофотга 2004 йилда сазовор бўлганман, – дейди таълим йўналишида Зулфия мукофоти совриндори жиззахлик Шоҳида Мирзаева. – Шу йили имтиёзли равишда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга кирдим ва имтиёзли тамомладим. Ҳозирда шу факультетнинг магистратура босқичида таҳсил олиш баробарида «Миллий тикланиш» газетасида мухбир лавозимида фаолият олиб боряпман. Бу мукофотга сазовор бўлганимдан кейин ҳаётимда жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу юксак эътироф мени янги мақсадлар сари рағбатлантирди. Келгусидага режаларимга қанот бағишлади.

Учрашув иштирокчилари йиғилганларга ўзларининг ютуқ ва режалари, уларга берилган юксак мукофотдан руҳланиб айни кунларда амалга ошираётган ибратли ишлари, юртимиз тараққиётига қўшаётган камтарин ҳиссалари ҳақида гапиришди.

Тақдимот маросимида иштирок этган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

***«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар ўртасидаги ногиронликни камайтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида шаҳримизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса ногирон болаларга зарур шароитлар яратиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***



**Танловлар**

# МАФТУНКОР РАНГЛАР ОЛАМИ

Шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Мафтункор ранглар олами» бадиий ижодий кўрик-танловнинг шаҳар босқичи ҳам фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ҳамкорлигида ўтказилди.

— Ногирон болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғломлаштириш ва реабилитация қилиш орқали уларнинг жамиятга тўлақонли интеграциясини таъминлаш йўлида манфаатдор вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан мақсадли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерзод Раҳмонов. — Бугунги кунда ногирон болаларни спорт, маданий-маърифий тадбирлар орқали маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғломлаштириш ҳамда жамиятга интеграция қилиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, кўмакка муҳтож ногирон болаларни протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитация техник воситалар билан тўлиқ таъминлашга эришилди, уларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш масаласида ҳам мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари Мурувват уйларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ва маиший хизматларнинг сифати яхшиланди. Танлов иқтидорли болаларнинг ўз истеъдодларини намойиш қилишида асосий восита вазифасини ўтади. Мақсадимиз эса, ногирон болаларимизнинг саломатликларини яхшилаш, мустаҳкамлаш, муҳофазалаш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериб, ҳаётга бўлган қизиқишларини орттириб, турли соҳадаги иқтидорларини шакллантиришдан иборатдир.

Тадбирда 50 дан ортиқ ногирон болалар ўз ижодларини намоён қилдилар. Уларнинг чизган расмлари малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилди ва ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Танлов доирасида иштирокчиларнинг ота-оналари ва яқинлари учун концерт дастури ҳам ташкил этилди. Танлов сўнггида барча иштирокчилар истироҳат боғида маданий ҳордиқ чиқардилар.

— Мен ушбу танловда ғолиб чиқишни жуда хоҳлагандим, лекин ютаман, деб ўйламагандим, — дейди биринчи ўринни эгаллаган Зиёда Исабоева биз билан суҳбатда. – Шодлигимнинг чеки йўқ. Бу танлов менга янада куч ва ғайрат бағишлади, ўзимга бўлган ишончимни мустаҳкамлади. Бундан кейин янада изланаман, интиламан, келажакда нималарга қодир эканлигимни ўз иқтидорим билан кўрсатишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, аслида бу ҳаётда яшашнинг ўзи бир бахт. Умидли орзуларга ишонч билан қадам қўйиш, келажакни ёрқин рангларда кўришнинг ўзи катта саодатдир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: «Мафтункор ранглар олами» танловидан лавҳа**

# «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» ЯНГИ УФҚЛАРГА ИНТИЛМОҚДА

***(Давоми. Боши 1-бетда)***

«Навоий» халқаро аэропорти базасидаги йирик Интермодаль марказ янада ривожланмоқда. Бугун кунига 300 тоннагача юкни қабул қилиш қувватига эга юк терминали ишлаб турибди. Соатига 400 нафар йўловчини ўтказиш имконига эга, халқаро стандартларга жавоб берадиган, барча қулайликлар яратилган янги йўловчи аэровокзали фойдаланишга топширилди.

Миллий авиакомпаниянинг машғулот комплексида янги Boeing-767 тренажёри ўрнатилган бўлиб, унда учувчилар стандарт ва ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш кўникмаларини такомиллаштиради. Яқин вақт ичида компаниямиз учувчилари нафақат замонавий A320 ва Boeing тренажёрлари, балки ўзимизда ишлаб чиқарилган Ил-114-100 самолёти симулятори – "Full-flight"да реал шароитларга яқинлаштирилган ҳолатларда парвоз қилишни ўрганиши мумкин. Шунингдек, самолётлар парки янги авлод ҳаво кемалари билан тўлдирилмоқда. Жорий йилда янги Boeing-767 лайнерлари сони тўрттага кўпайди, 2014-2016 йилларда эса миллий авиакомпаниямиз яна иккита Boeing-787 Dreamliner самолётларини олади. Айни пайтда ҳар икки томон мутахассислари «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси базасида самолётлар конструкциясининг композицион материаллардан тайёрланган йирик эҳтиёт қисмларини таъмирлаш бўйича минтақавий цехни ташкил қилиш имкониятларини ўрганмоқда. Бу техник хизмат кўрсатиш борасида ўзбекистонлик мутахассисларнинг юксак маҳорати ва катта истиқболидан далолат беради.

Шу билан бирга авиакомпаниямиз аэропортлари эришаётган муваффақиятларни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. «Бухоро» халқаро аэропорти 2011 йилги фаолияти якунларига кўра, «Аэропорт» фуқаро авиацияси ассоциациясининг «МДҲда йилнинг энг яхши аэропорти» танловида «Жадал ривожланаётган аэропорт» номинациясида яна бир бор ғолиб бўлди. «Урганч» халқаро аэропортида ишга туширилган йўловчиларни қабул қилиш залининг янги биносида соатига 200 нафаргача йўловчига сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилди. Мамлакатимизнинг барча аэропортларида сифат менежменти тизими жорий этилган ва бу сертификатлар билан тасдиқланган. Барча жойларда янги техника ва технологиялар, замонавий ускуналар жорий этилмоқда.

Фойдаланишга топширилган янги «Тошкент-3» маҳаллий ҳаво линиялари йўловчи терминали юқори технологик ускуналар билан жиҳозланган ва бу ерда ҳам барча қулайликлар яратилган. «Нукус» аэропортида техник хусусиятлари барча халқаро талабларга жавоб берадиган учиш-қўниш йўлаги реконструкция қилинди. Ушбу учиш-қўниш йўлаги барча турдаги ҳаво кемаларини қабул қилиши мумкин.

Аэропортлар ва терминалларда қўшимча хавфсизлик зоналари ташкил этилаётир. Нияти бузуқ шахслар учун кордонлар ташкил этилмоқда, металл қидиргич мосламалар ва газ анализаторлари ёрдамида текшириш йўлга қўйилди, сканерлар ишлаб турибди, янги, янада мукаммал ва ишончли техника воситалари жорий этилмоқда, авиакомпания, божхона ва чегара хизматлари бўлинмаларида назоратчилар сони кўпайтирилди. Нафақат йўловчилар ва уларнинг юклари, балки авиакомпания ходимлари ҳам текширувдан ўтказилмоқда.

Аэропортлар ҳудудларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан таркиб топган постларни ташкил этиш, ушбу ҳудудларни видеокузатув тизимлари ва махсус техник текшириш воситалари билан таъминлаш орқали хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, шубҳали шахсларни ўз вақтида аниқлаш имконини бераётир.

Яқинда мамлакатимиз бўйлаб ҳаво ҳаракатини бошқариш тизими модернизация қилинди, юқори малакали кадрларни ўзимизда тайёрлаш, шунингдек, тарифлар ва чегирмалар тизими ташкил этилди. Сифат менежменти тизими жорий қилиниб, ҳаво кемаларини таъмирлаш ҳамда техник хизмат кўрсатиш шакллари ўзлаштирилди.

Ўзбекистон ҳаво ҳудудидан янада самарали фойдаланиш учун вертикал эшелонлаштиришнинг қисқартирилган минимуми (RVSM) жорий қилинди. Бунинг учун тегишли техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилиб, RVSM ходимлари ва йўриқчилари ўқитилди. Бошқача айтганда, ушбу тизим жорий қилиниши натижасида мамлакатимиз ҳаво ҳудудидан фойдаланиш самарадорлиги янада ошди, ҳаво трассаларида аввалгидан кўпроқ самолётларни ўтказиш имконияти яратилди.

Авиакомпания самолётлари Европа, Осиё, Американинг қирқдан зиёд шаҳарларига парвоз қилмоқда. Юртдошларимиз ва кўплаб меҳмонлар дунёнинг энг олис қитъаларига ҳам тўғридан-тўғри учиши мумкин. Рейслар географияси мунтазам кенгайиб бормоқда.

Миллий авиакомпаниямиз таркибига кирадиган ва самарали фаолият кўрсатаётган «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонаси ҳам бу борада ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини тобора ошириб бораётган ушбу корхона бугун нафақат «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларига, балки хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларига ҳам барча турдаги техник хизматларни кўрсатмоқда. Техник хизмат кўрсатишнинг юқори сифати ва янги хизмат турларини ўзлаштириб бораётган авиакорхона ходимларининг юқори малакаси тегишли халқаро сертификатлар билан тасдиқланган.

Компания жамоаси хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича муттасил изланмоқда. Шу мақсадда электрон чипталар тизими муваффақиятли жорий қилинди, мижозларнинг истагига кўра чипталарга буюртма бериш, уларни уйга ёки кўрсатилган манзилга етказиб бериш йўлга қўйилди. Аэровокзал комплексларида ва уларнинг ён-атрофидаги ҳудудларда кенг қулайликлар яратилган. Парвоз пайтидаги овқатланиш сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий авиакомпаниянинг «Кетрин» унитар корхонаси иссиқ ва совуқ таомларнинг минглаб порцияларини тайёрлаш, барча авиалиниялар самолётларига турли хил ичимликлар ва меваларни етказиб бериш имкониятига эга. Уч юздан зиёд таом турлари «Глобал тест» мувофиқлик сертификатини олган.

Авиакомпания мутахассисларининг юксак касб маҳорати ва фидокорона меҳнати миллий авиаташувчимизга парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлиш ва мижозларнинг ишончини қозониш имконини берди. Ўз фаолияти давомида Ўзбекистон авиакомпанияси шундай юксак натижаларга эришдики, уларни ҳақиқатан ҳам келажак сари қўйилган муҳим қадам, дея баҳолаш мумкин.

Миллий авикомпаниямиз ривожланиш сари ишончли ва дадил интилмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг барча таркибий бўлимлари куну тун авиатранспорт қатновлари хавфсизлиги, барқарорлиги ва ишончлилигини таъминламоқда.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

